

электронное периодическое издание

ЭКОНОМИКА

и

социум

ISSN 2225-1545

№4(95)-2022



ЭЛЕКТРОННОЕ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЕ
ПЕРИОДИЧЕСКОЕ ИЗДАНИЕ
«Экономика и социум»

<http://www.iupr.ru>

УДК 004.02:004.5:004.9

коммуникации

ББК 73+65.9+60.5

ISSN 2225-1545

Свидетельство о регистрации
средства массовой

Эл № ФС77-45777

от 07 июля 2011 г.

Редакционный совет:

Абдувохидов Ф.М., доктор фил.наук в области искусствоведения (PhD),

Аллаяров С.Р., доктор философии по экономическим наукам (PhD),

Арысланбаева З.Е., доктор филологических наук (PhD), доцент,

Вестов Ф. А., кандидат юридических наук, профессор,

Ёрматов Ф.Ж., кандидат исторических наук(PhD), доцент,

Зарайский А.А., доктор филологических наук, профессор,

Ирисметов Б.М., доктор филологических наук (PhD), доцент,

Калимбетов Х.К., доктор экономических наук, доцент,

Кобилев А.У., кандидат экономических наук(PhD),

Кудияров К.Р., доктор экономических наук, (PhD),

Нишинова О.Д., доктор филологических наук (PhD), доцент,

Смирнова Т.В., доктор социологических наук, профессор,

Федорова Ю.В., доктор экономических наук, профессор,

Постюшков А.В., доктор экономических наук, профессор,

Саттаров А.У., кандидат географических наук, доцент,

Туйчиев Г.У., кандидат медицинских наук, доцент,

Тягунова Л.А., кандидат философских наук, доцент,

Усаров Ж.Э., доктор педагогических наук (DSc),

Шошин С.В., кандидат юридических наук.

Отв. ред. А.А. Зарайский

Выпуск №4(95)-1 (апрель, 2022). Сайт: <http://www.iupr.ru>

© Институт управления и социально-экономического развития, 2022

Исमतов Ш.
БухДУ педагогика кафедраси ўқитувчиси

ШАРҚ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАЪЛИМОТЛАРИ МАЗМУНИДАГИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ ТАЛҚИНИ

Аннотация: мазкур мақолада турли тарихий даврларда Марказий Осиёда илм-маърифат, маънавият ривожига улкан ҳисса қўшган алломалар, мутафаккир олимлар таълимотлари мазмунидаги маънавий-ахлоқий тарбия, устоз-шогирд муносабатлари тизими ва улардан ҳозирги замонавий ёшлар тарбиясида фойдаланиш йўллари ва имкониятлари кўрсатилган.

Калит сўзлар: таълимот, таълим, тарбия, маърифат, маънавият, ахлоқ, устоз, шогирд, ривожланиш, камолот.

Ismatov Sh.
teacher
department of pedagogy
Bukhara State University

INTERPRETATION OF SPIRITUAL AND MORAL EDUCATION IN THE CONTENT OF EASTERN SPIRITUAL EDUCATION

Annotation: This article shows the ways and opportunities of spiritual and moral education, the system of teacher-student relations and their use in the education of modern youth in the context of the teachings of scholars, thinkers who have made great contributions to the development of science and spirituality in Central Asia in different historical periods.

Keywords: teaching, education, upbringing, enlightenment, spirituality, ethics, teacher, student, development, maturity.

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ўсиб келаётган ёшларимизнинг ижодий ва ақлий салоҳиятини рўёбга чиқариш, ўз олдига қўйган олижаноб мақсадларига етказиш, тегишли маълумот ва билим, шунингдек, маълум касб ёки ҳунар эгаси сифатида замон талабларига жавоб берадиган маънан етук шахслар этиб вояга етказиш таълим соҳаси олдига қўйилган асосий талаб ҳисобланади. Чунки давлат ва жамият ҳар томонлама ривожланган, яъни яхши тарбия кўрган ёшларга доимо эҳтиёж сезади. Зеро, ёшлар келажақда давлатнинг таянчи ва жамиятнинг етакчи кучига айланади.

Тарбия ишида кўп нарса ўқувчини тарбиялаётган тарбиячига, яъни ўқитувчи-мураббийга боғлиқ. Халқимизда ўқитувчи қандай бўлса, ўқувчиси

хам шундай бўлади, деган гап бор. Яъни ўқитувчи ўқувчилар қалбини янги ва бетакрор дунё, мўъжизаларга бой ҳаёт дунёсига олиб киради.

Ҳозирги замон ўқитувчи-мураббийлар олдида бир қатор янги талабларни қўймоқда. Таълим соҳасидаги ислоҳотлар, таълим жараёнига қўйилаётган ўқитишнинг илғор усул ва воситалари, шакллари билан бирга, тарбиявий ишларни ҳам ҳозирги, тобора ривожланиб бораётган ахборот асрига мос янги талаблар, яъни миллий тарбия қоидаларига асосланган мақсад асосида олиб боришни тақозо қилмоқда. Юртимизда азал-азалдан тарбия жараёни “Устоз-шогирд” анъаналари асосида олиб борилган. Айниқса, бу усул у ёки бу касб-хунар сирларини ўргатишда қўл келади. Ҳозирги кунда ҳам кўпгина уста ёки хунармандлар ўзлари эгаллаган хунарларни фарзандлари ёки шогирдларига шу асосда ўргатиб келмоқдалар. Албатта, бу усул ҳам устоз-мураббийликнинг бир кўриниши сифатида кўпгина хунарларнинг умрбоқийлигига ва бардавомлигига хизмат қилиб келмоқда. Тарбия – арабча “рибув” сўзидан олинган бўлиб, “ўстирмак” ёки “кучайтирмак” маъносида келади. Шунингдек, “тарбият” ёки “тарбиятун” сўзлари “парвариш қилиш”, “таълим бериш”, “одоб ўргатиш”, “тўғри йўл кўрсатиш”, “улғайтириш”, “меҳрибонлик кўрсатиш” ва “ҳимоя қилиш” каби маъноларни ҳам билдиради.

Маълумки, ислом илм-маърифат, эзгулик ва ҳалоллик, Ватанни севиш ва қадрлаш, яхши амалларга содиқликка даъват этади. Бу жараёнда инсонни ўз устида мустақил ишлашга, бешиқдан қабргача илм излашга чорлаш билан боғлиқ даъват ҳаммасидан муҳимидир. Ҳатто, бир соат илм-маърифат билан машғул бўлиш, яъни илм олиш бир кунлик тоат-ибодатдан афзал эканлиги уқтирилади. Марказий Осиёдан етишиб чиқиб, жаҳон илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган Хоразмий, Замахшарий, Форобий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Паҳлавон Маҳмуд, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби улуғ аждодларимиз ҳам буюк устозларнинг муносиб шогирдлари эдилар. Мовароуннаҳр диёрида вояга етиб, ислом дунёсида катта обрў қозонган Абу Ҳафс Кабир Бухорий ва унинг шогирдлари Имом Бухорий ва Имом Термизийлар яратган илмий-маърифий мактаб кейинги даврларда буюк Етти пирымиз ва уларнинг давомчилари камол топишига пойдевор бўлди. Мана, бир неча асрдирки, улар маънавий мероси башарият камолотида хизмат қилиб келмоқда. Энг муҳими, юртимизда яшаб ўтган кўплаб маърифатпарвар ҳукмдорлар олим ва муаллимларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, Мовароуннаҳрнинг чинакам зиё масканига айланишига шароит яратиб бердилар. Бу жиҳатдан, Исмоил Сомоний, Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абдуллахон, Имомқулихон сингари маърифатпарвар ҳукмдорларнинг хизмати катта бўлди.

Халқни илм-маърифатли қилишда кейинги асрларда яшаб ижод этган Мунис, Огаҳий, Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз Ўтар, Аҳмад Дониш каби маърифатпарвар зотлар, Исҳоқхон Ибрат, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Файзулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Абдувоҳид Бурҳонов, Усмон Хўжаев, Мусо Саиджонов сингари фидойи жадиждлар алоҳида жонбозлик кўрсатдилар. Уларнинг саъй-ҳаракати ва ташаббуслари туфайли юртимизда мактаб таълимини ислоҳ қилиш, уни замонга яқинлаштириш ғоясига эргашган юзлаб муаллим ва мураббийлар етишиб чиқди. Диёримизда замонавий илм-фан, таълим-тарбия анъаналари шаклланди. Бухоро Халқ Республикасини оёққа қўйиш, мамлакат иқтисодиётини кўтариш ҳамда халқ хўжалигини ривожлантириш билимли, ватанпарвар ёшларга боғлиқ эканлигини яхши англаган Файзулла Хўжаев саъй-ҳаракати туфайли қисқа муддатда 51 та умумтаълим мактаби, 11 та хунар-техника билим юрти ва 5 та мусиқа мактаби фаолияти йўлга қўйилгани ҳам анъаналар давомийлигини таъминлади. Фитрат ва Файзулла Хўжаев жонбозлиги остида Ота Ғиёс Абдуғани, Ота Жалол Носиров, Уста Насруллои Танбурий, Уста Шоҳид Ҳофиз каби забардаст мақом билимдонлари ва маҳоратли чолғучи-созандалар таклиф этилиб, Бухоро Шашмақоми нотага туширилгани қадимий мусиқа санъатимизга эҳтиромнинг ёрқин намунаси бўлди. Ўз навбатида, бу саъй-ҳаракатлар Бухоро заминидан Мутаваккил Бурҳонов, Олим Хўжаев, Раззоқ Ҳамроев, Омина Фаёзова, Марьям Ёқубова, Мухтор Ашрафий, Саттор Ярашев каби ўнлаб забардаст санъат намояндалари етишиб чиқишига замин яратди.

Фалсафа ҳамда бошқа ижтимоий фанлар бўйича 30 нафардан ортиқ фан доктори, шунингдек, 100 нафарга яқин фан номзодига бевосита мураббийлик қилган заҳматқаш олимнинг бу фидойилиги Бухоро заминидан вояга етган Саид Алиев, Тожи Қораев, Тўра Мирзаев, Охунжон Сафаров, Эргаш Қиличев, Ҳамид Неъматов, Раҳим Воҳидов, Иброҳим Ҳаққул сингари забардаст олимларнинг етишиб чиқишига, устозлар анъанасини муносиб давом эттиришига туртки берди. Бу ўринда, ўз даврида Бухорода Абдурауф Фитрат чинакам байроқдорлик қилган сўз санъати анъаналари кейинги даврларда Жалол Иқромий, Султон Жўра, Тошпўлат Ҳамид, Аҳад Ҳасан, Жамол Камол, Неъмат Аминов, Ғулом Шомурод, Омон Мухтор, Тошпўлат Аҳмад, Самандар Воҳидов, Садриддин Салим Бухорий каби муносиб шогирдлар томонидан давом эттирилганлигини эътироф этиш жоиз. Сўнгги беш йилликда мамлакатимиз, қолаверса, вилоятимизда таълим-тарбия, илм-фан, ижод ва санъат ривожига кўрсатилаётган эътибор, ўқитувчи мақомини кўтариш борасидаги саъй-ҳаракат ва ислохотлар ҳар биримизга ана шундай ёруғ умидлар бағишлайди, албатта. Айниқса, улуғ алломаларимиз – Мирзо Улуғбек ва Муҳаммад Хоразмий номидаги иқтидорли болалар мактаблари, Огаҳий, Исҳоқхон Ибрат, Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Ибройим Юсупов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф, Ҳалима Худойбердиева номлари билан

аталган ижод мактаблари, Темурбеклар мактаби, Президент мактаблари фаолияти йўлга қўйилгани, ҳар бир мактабда ихтисослаштирилган мактабларга хос шароитлар яратилишига алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовордир.

Ўтган йили Бухоро вилоятига ташриф чоғида Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан Бухоро шаҳрида Абдурауф Фитрат номидаги ўзбек тили ва хорижий тилларни ўқитишга ихтисослашган ижод мактаби фаолиятини йўлга қўйиш ташаббуси илгари сурилганлиги ҳам Учинчи Ренессанс пойдеворини куришга камарбаста бўлиб келаётган воҳа ўқитувчи-мураббийларига чексиз қувонч, янги режалар йўлида куч-ғайрат бағишлади.

Бу каби саъй-ҳаракат ва ташаббуслар серқуёш диёримизда асрлар давомида ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб келинаётган устоз-мураббийларга чинакам ишонч намунасидир. Демак, мураббий сифатида аждоқларимизга муносиб бўлишга, ўсиб келаётган авлодимизнинг таълим-тарбия, илм-фан чўққиларини эгаллашига кўмаклашишга ҳар биримиз бурчли ва масъулмиз. Зеро, мураббий – миллатнинг юзи, Ватан истикболнинг асл бунёдкоридир!

Адабиётлар:

1. Абдуллаев К.Ф. Мыслители востока о педагогической профессии // Культура мира и ненасилия подрастающего поколения: ракурсы интерпретации и педагогические условия развития, 2020. С. 117-120.
2. Бобомуродова Н. Ж. ЛЮБОВЬ К ЧЕЛОВЕКУ-ИДЕЙНАЯ ОСНОВА ГУМАНИЗМА АЛИШЕРА НАВОИ //Символ науки. – 2021. – №. 11-1. – С. 40-43.
3. Жураев Б. Т. Гуманизация дидактических отношений между учителем и учащимся в педагогических идеях Востока //VIII Лазаревские чтения "Лики традиционной культуры в современном культурном пространстве: ренессанс базовых ценностей?". – 2018. – С. 120-122.
4. Жураев Б. Т. Вопросы нравственного воспитания в эпоху Саманидов //Наука, техника и образование. – 2020. – №. 3 (67).

*Камилова Р.Ш., к.э.н.
доцент*

кафедра "Бухучет"

Кузнецова М.А.

студент 2 курса

2 группа

факультет «Экономический»

ФГБОУ ВО "Дагестанский государственный университет "

РФ, г.Махачкала

**ПРОГРАММНЫЙ КОМПЛЕКС «ТУРБО-БУХГАЛТЕР».
СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ, ДОСТОИНСТВА И НЕДОСТАТКИ**

Аннотация: В данной статье рассмотрены наиболее распространенные программы, с помощью которых осуществляется автоматизированный учет на предприятиях, организациях или иных хозяйствующих субъектах. Приведена сравнительная характеристика программных продуктов.

Ключевые слова: автоматизированный учет, финансовый анализ, комплексная оценка.

Kamilova R.Sh., c.e.s.

associate Professor

department "Accounting"

Kuznetsova M.A.

student

faculty of « Economics»

FSBEI HE " Dagestan state University "

Russian Federation, Makhachkala

**SOFTWARE PACKAGE «TURBO ACCOUNTANT».
COMPARATIVE ANALYSIS, ADVANTAGES AND DISADVANTAGES**

Abstract: In this article, the most common programs are considered, with the help of which automated accounting is carried out at enterprises, organizations or other economic entities. The comparative characteristics of software products are given.

Keywords: automated accounting, financial analysis, comprehensive assessment.

Гайджаев А.И., ДОГОВОР КУПЛИ-ПРОДАЖИ: СОДЕРЖАНИЕ И ЗАКЛЮЧЕНИЕ	261
Гурьянова И.В., ПРОЕКТИРОВАНИЕ И РАЗРАБОТКА ДЕСКТОПНОГО ПРИЛОЖЕНИЯ ДЛЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ГОСТИНИЦ	265
Дехконов Б.М., АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА МЕВА ВА РЕЗАВОР ЎСИМЛИКЛАР ЕТИШТИРИШНИНГ ҲУДУДИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	269
Жамалова Г.Г., Айматова Ф.Х., РОЛЬ ОБЩЕСТВЕННО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК В ВОСПИТАНИИ МОЛОДЕЖИ В ДУХЕ ПАТРИОТИЗМА.....	273
Зарипова С.Р., РОЛЬ УПРАВЛЕНЧЕСКОГО УЧЕТА В УПРАВЛЕНИИ ОРГАНИЗАЦИЕЙ.....	278
Иманаева Г.Р., АНАЛИЗ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРОИЗВОДСТВА ЗЕРНА ООО «КРОНА - АГРО», БАРДЫМСКИЙ МУНИЦИПАЛЬНЫЙ ОКРУГ ПЕРМСКОГО КРАЯ.....	287
Исмаатов Ш., ШАРҚ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАЪЛИМОТЛАРИ МАЗМУНИДАГИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ ТАЛҚИНИ	291
Камилова Р.Ш., Кузнецова М.А., ПРОГРАММНЫЙ КОМПЛЕКС «ТУРБО-БУХГАЛТЕР». СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ, ДОСТОИНСТВА И НЕДОСТАТКИ.....	295
Камилова Р.Ш., Кузнецова М.А., ПРОГРАММНЫЙ КОМПЛЕКС «ИНТЕГРАТОР». СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ, ДОСТОИНСТВА И НЕДОСТАТКИ.....	298
Карабаева М.А., Карабаев А.Г., ЎРТА ОҒИР ДАРАЖАЛИ ТЕМИР ЕТИШМОВЧИЛИК АНЕМИЯСИ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАРДА ВЕГЕТАТИВ РЕАКТИВЛИК	302
Каюмов А.А., ВЗАИМОСВЯЗЬ ЭКОЛОГИИ И НАЦИОНАЛЬНЫХ ЦЕННОСТЕЙ	306
Киргизов Х.Т., Собиржонов М., КОМБИНИРОВАННЫЙ АГРЕГАТ ДЛЯ ПОЛОСНОЙ ОБРАБОТКИ ПОЧВЫ.....	312
Колодня Е.А., Костенко А.А., ОСНОВНЫЕ ФУНКЦИИ И ПРИНЦИПЫ УПРАВЛЕНИЯ ПЕДАГОГИЧЕСКИМИ СИСТЕМАМИ	319
Костенко А.А., Тагалекова Л.М., Михайлова С.Г., РАЗВИТИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ СИСТЕМЫ ЦЕННОСТЕЙ В ПРОЦЕССЕ ПСИХОЛОГИЧЕСКОГО ОБУЧЕНИЯ.....	324
Костенко А.А., Устьян М.С., КОНФЛИКТЫ КАК РАЗНОВИДНОСТЬ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ В СТУДЕНЧЕСКОЙ СРЕДЕ.....	330
Костенко А.А., Терсакова А.А., Шагина А.Ф., ВЛИЯНИЕ КАРЬЕРНОЙ УСПЕШНОСТИ СУПРУГОВ НА ОТНОШЕНИЯ В СЕМЬЕ	335